

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Хужаматова Хаётхон
Кукон давлат университети уқитувчиси

Аннотация:

Ушбу мақолада оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг мазмуни ва уни такомиллаштириш зарурати таҳлил қилинган. Амалдаги оила қонунчилигида учраётган айрим муаммолар ҳамда уларни бартараф этишнинг ҳуқуқий механизмлари ёритиб берилган. Шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган таклиф ва хулосалар илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Калит сўзлар: оила, никоҳ, ҳуқуқий тартибга солиш, оила ҳуқуқи, қонунчилик, ҳуқуқий ислохотлар, жамият.

Аннотация:

В данной статье проанализированы содержание системы правового регулирования семейных отношений и необходимость ее совершенствования. Освещены отдельные проблемы, возникающие в действующем семейном законодательстве, а также правовые механизмы их устранения. Кроме того, научно обоснованы предложения и выводы, направленные на укрепление института семьи.

Ключевые слова: семья, брак, правовое регулирование, семейное право, законодательство, правовые реформы, общество.

Abstract:

This article analyzes the content of the system of legal regulation of family relations and the necessity of its improvement. It highlights certain problems arising in the current family legislation as well as the legal mechanisms for their resolution. In addition, proposals and conclusions aimed at strengthening the institution of the family are scientifically substantiated.

Keywords: Family, marriage, legal regulation, family law, legislation, legal reforms, society.

Бугунги глобаллашув, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва жамият тараққиёти шароитида оила институтининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда уни замон талабларига мос равишда такомиллаштириш долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида нафақат ижтимоий барқарорликни таъминлайди, балки шахс камолоти, маънавий тарбия ва ҳуқуқий онг шаклланишида ҳам ҳал қилувчи ўрин тутаяди. Шу боис, оилавий-ҳуқуқий муносабатларни самарали тартибга солиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш механизмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар — никоҳ тузиш, уни бекор қилиш, эр-хотиннинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатлар, алимент, васийлик ва ҳомийлик каби масалаларни қамраб олувчи ҳуқуқий муносабатлар тизимидир.

Мазкур муносабатлар Оила кодекси, фуқаролик қонунчилиги ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали тартибга солинади.

Оилавий ҳуқуқнинг асосий вазифаси — оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса болалар, хотин-қизлар ва ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож шахслар манфаатларини таъминлашдан иборатдир. Шу нуқтаи назардан, оилавий-ҳуқуқий тартибга солиш тизими доимий равишда такомиллаштириб борилиши лозим.

Оилани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларни ҳал томонлама жамиятнинг асосий бўғини сифатида барқарорлигини таъминлаш ҳар бир мамлакатнинг доимий эътиборда бўладиган устувор йўналишлардан бири саналади. Бинобарин, халқ оилалардан ташкил топар экан унинг барқарорлиги, оилаларнинг тинч ва тотувлиги мамлакатнинг ривож ва истиқболлини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Ҳозирда Ўзбекистонда оилалар барқарорлигини таъминлаш, эр-хотин ўртасидаги ажралишлар сонини камайтириш, оилани сақлаб қолиш имконини берадиган кўплаб ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий чоралар белгиланган ва бу борадаги ҳуқуқий асослар яратилган. Бироқ, шунга қарамасдан эр-хотин ўртасидаги ажралишлар сони уларнинг ўсиб бориш динамикасини кўрсатади. Бу ҳолат айниқса, катта шаҳарларда юқори эканлиги кўзга ташланади. Шу боис эр-хотин ўртасидаги ажралишлар сонини камайтириш, оилаларнинг бутунлиги ва барқарорлиги сақлаб қолиш борасидаги ташкилий-ҳуқуқий механизмларни кучайтириш, бу борада амалга оширилаётган ислохотларни кучайтириш замон талабидир¹.

Бугунги кунда оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга кўмаклашиш давлат ва нодавлат йўли билан амалга оширилмоқда. Айрим давлат органлари оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, уларга давлат томонидан моддий ёрдам беришни таъминлаш билан шуғулланса (масалан, ижтимоий таъминот муассасалари), бошқалари эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга кўмаклашиш (ФХДЁ), болалар ҳуқуқлари таъминлаш (васийлик ва ҳомийлик органлари, халқ таълими тузилмалари) фаолиятини амалга оширадилар. Оилаларни қўллаб-қувватлашда, оилавий низоларни ҳал этишга кўмаклашишда фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг роли катта ҳисобланади. Шунга қарамасдан ушбу тизимни бугунги кунда тўлиқ ўзини оқляпти, деб бўлмайди. Бундан ташқари, давлат (унинг органлари тимсолида) ва оилаларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳам ҳозирда етарли даражада эмас. Кўп ҳолларда оилалар, эр-хотинлар ёки оиланинг бошқа аъзолари ўз муаммоларини яшириш, уларни ошкор қилмасликка ҳаракат қилишади ёхуд давлат органларига нисбатан ишонч йўқлиги сабабли уларга мурожаат қилишдан тийилишади. Бунинг натижасида кичик муаммоларнинг катталашиб кетишига ва оқибатда оилавий зиддиятлар ва низоларнинг вужудга келишига ҳамда эр-хотин ажралишига сабаб бўлади. Оилани мустаҳкамлаш ва ажралишлар сонини камайтиришнинг асосий омилларидан бири эса эр-хотин ўртасидаги ўзаро тушуниш ва мурося саналади. Бунда уларга кўмаклашиш, эрхотинга руҳий-психологик маслаҳат бериш ва уларни жамиятнинг ҳар томонлама тўлақонли аъзосига айлантириш борасида жамоатчиликнинг ўрнини ошириш зарур бўлади.

Эр-хотин ўртасидаги ажралишларга асосан турли келишмовчиликлар, эрхотиннинг бир-бирини тушунмаслиги ёки бошқа кўплаб ижтимоий-иқтисодий омиллар сабаб бўлади. Оила

¹ Каримова Н. Оила ва жамият: ҳуқуқий муносабатлар таҳлили. – Тошкент, 2023.

сақлаб қолиш имкони бўлган ҳолларда ҳам қонунчиликнинг мукамал эмаслиги, носамарали услублар ҳам эр-хотин ажралишларга сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикасининг оила қонунчилиги, хусусан Оила кодекси асосан эр-хотин ва оила аъзолари ўртасидаги муайян турдаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни назарда тутди.

Оилавий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, аввало, қонунчиликни замон талабларига мослаштиришни тақозо этади. Хусусан, никоҳ шартномасини кенг жорий этиш, эр-хотин мулкӣ муносабатларини аниқ белгилаш, ажрим жараёнларида медиатив усулларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш, алимент мажбуриятларини бажариш устидан назоратни самарали ташкил этиш, оилавий зўравонликка қарши ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш оилавий ҳуқуқни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига никоҳ тузиш, эр-хотиннинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, алимент мажбуриятлари ва болалар манфаатларини ҳимоя қилишга оид нормалар белгиланган. Бироқ жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, аҳолининг ҳуқуқий онги ўсиши ҳамда оилавий муносабатлар шакллариининг хилма-хиллашуви мазкур соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Амалиёт шунини кўрсатмоқдаки, оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда никоҳдан ажралишлар сонининг ортиши, алимент мажбуриятларини ижро этишдаги муаммолар, болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари етарлича таъминланмаётган ҳолатлар мавжуд. Айрим ҳолларда амалдаги қонун нормалари ҳаётӣ воқеликни тўлиқ қамраб олмаяпти ёки уларни қўллаш механизми аниқ белгилаб берилмаган.

Шу нуқтаи назардан, оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришда никоҳ шартномаси институтини кенг жорий этиш, эр-хотиннинг мулкӣ муносабатларини олдиндан аниқ белгилаш, оилавий низоларни ҳал этишда медиатив усулларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш, алимент тўловларини ундиришнинг самарали механизмларини жорий этиш оила ҳуқуқи тизимини такомиллаштиришнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг оила соҳасидаги сиёсати давлат ижтимоий сиёсатининг таркибий қисми сифатида “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган тўртинчи йўналишида белгилаб берилди. Маълумки, оиладаги муҳит жамият ҳаётининг кўзгуси ҳисобланади ҳамда кучли, барқарор ва фаровон давлат қуришда муҳим ўрин тутди. Бироқ, тузилаётган эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳлар ёш оилалар ўртасидаги ажралишлар, аёллар жиноятчилиги сонининг ортиб боришига сабаб бўлмоқда, вояга етмаган шахсларнинг безорилик ва тартиббузарликлари каби ҳолатлар ҳануз учраб турибди. Демак, вазиятни ижобий томонга ўзгартириш ва келажакда бу каби салбий ҳодисаларни бартараф қилиш учун, оилалар билан ишлаш тизимида янгича йўналишдаги ва самара берадиган механизмларни жорий этиш талаб қилинади. Мазкур вазифа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллабқувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги

фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонида ўз аксини топди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги Қарори билан “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси” ва уни амалга ошириш юзасидан «Йўл харитаси» тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир нечта қарорлари қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатларга биноан, оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, жамиятда энг яхши оилавий анъаналарни сақлаб қолиш ва тарғибот қилиш масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш вазифаси қўйилди. Мазкур таҳлилий маълумотномада «Оила» илмийамалий тадқиқот марказининг оилалардаги салбий ҳолатларни ўрганишга ва оилаларни мураккаб ҳаётий вазиятлардан олиб чиқиш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқишга йўналтирилган аниқ натижалар ўз аксини топган.

Оилаларда ўтказилган сўровлар натижалари бўйича² Ўзбекистонда оила аъзолари ўртасида аниқ иерархия, оила аъзоларининг функциялари ва вазифалари тақсимланиши билан тавсифланадиган оила модели мавжудлиги маълум бўлди. Яъни, оилада етакчи – уйдаги тартиб ҳамда оила аъзолари масъулиятига жавоб берадиган, юзага келадиган келишмовчиликларни ҳал қилиш ва оила бюджетини бошқариш кафолати ҳисобланган оила бошлиғи бор. Сўнгги йилларда оиладаги етакчилик масаласи бўйича жамоат фикрининг ўзгариш тенденцияси қайд этилди. Агар 2015 йилда 81 фоиз респондентлар оилада етакчи эркак киши бўлиши кераклигини қайд этган бўлса, бир неча йиллар ўтиб, оиладаги етакчиликни жинсга эмас, балки ёшга қараб белгилаганлар сони ортди (2015 йилдаги 15 фоиздан 2018 йилда 21 фоизга ўсган). Бундай сўровлар натижалари бўйича эркаклар оила аъзолари олдида муайян мажбуриятларга эгаллиги маълум бўлди. Булар қаторига моддий фаровонлик (респондентларнинг 90 фоизи) ва қониқарли турар-жой шароитлари (47 фоиз), фарзандларга таълим олиш учун имконият яратиш (22 фоиз), фарзандлар тарбиясида иштирок этиш (34 фоиз) киради. Аёлнинг мажбуриятларига фарзандлар тарбияси (64 фоиз) ва уларни парваришлаш (55 фоиз), уй хўжалигини юритиш (50 фоиз) ва оилада қулай психологик муҳит учун жавобгарлик (30 фоиз) киради. Шу билан бирга, оилада мустаҳкам муносабатлар ўрнатиш учун, ўзаро тушуниш, ҳурмат ва сабр-тоқат (61 фоиз), моддий фаровонлик (28 фоиз) ва бошқалар бўлиши керак.

Давлат томонидан оиланинг мавқеи ва ижтимоий салоҳиятини кучайтиришга, хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги мақомини оширишга қаратилган дастурлар қабул қилинмоқда. Ўзбек жамияти анъаналар ва урф-одатларга жуда бой бўлиб, улар жамият аъзоларининг ахлоқий, одоб ва маданий жиҳатдан ривожланишида ҳамда умуман миллатни уюштиришда ижобий роль ўйнайди. Бироқ, баъзи бир оилаларда айрим номақбул урф-одатлар ва расм-русумлар борки, улар бу оилалар аъзоларининг юриш-туриши нормаларини белгилайди. Урф-одатлар ҳамда уларга риоя этиш талаблари хусусан аёлни эркаклар билан тенг бўлмаган вазиятга қўяди. Оилада қизларни катталарга ва эрига итоаткорлик руҳида тарбиялаш ҳанузгача сақланиб қолган бўлиб, бу айниқса қишлоқда кучли намоён бўлади. Масалан, никоҳларни тузиш ҳар доим ҳам никоҳланувчи жуфтликларнинг ўзаро розилиги ва ихтиёрий, онгли қарорига асосланган деб бўлмайди. Никоҳ тузувчилар учун кўпинча уларнинг ота-

² Жамоат фикри сўрови натижалари бўйича ахборот-таҳлилий маъруза. «Оила ва жамият: маънавий ва ахлоқий дунё». «Ижтимоий фикр» маркази, 2018.

оналари ёки оиланинг бошқа аъзолари бу масалани ҳал этадилар, бу эса никоҳланувчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўғридантўғри бузишдир. Давлат Конституцияси ва қонунлари ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўз йўлини ўзи танлашнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланиб, уларда ҳар бир кишининг, яъни эркаклар ва аёлларнинг ҳар томонлама жисмоний ҳамда маънавий-ахлоқий ривожланишлари учун тенг ҳуқуқлар белгиланган ва кафолатланган.

Ҳозирги замон жамиятида аввалбошданоқ гендер нотенглигига асослар яратилади: қизалоқлар болалигиданоқ асрлар давомида қарор топган аёллик вазифаларини бажаришга тайёрланади, уларда сусткашлик, ювошлик ва итоаткорлик руҳи тарбияланади; эркаклар ҳамда аёлларнинг оила ва ижтимоий ҳаётдаги тенглигига нисбатан эскича қараш шаклланиб боради; хотин-қизлар ижтимоий ҳаётдан оила ва маиший турмуш соҳасига сиқиб чиқарилади; эркаклар оила бюджетини шакллантиришда иштироклари ҳиссаси юқори бўлганлиги туфайли оилада ҳуқумрон мавқени эгаллайдилар; уй-рўзғордаги вазифалар тақсимланишида нотенгликка йўл қўйилади; эркаклар биринчи никоҳдан ажрашмасдан иккинчи (диний) никоҳ тузишлари мумкин ва ҳоказо. Аёллар оилада кўплаб вазифаларни бажарадилар ва бу вазифаларни қўшиб олиб бориш жуда мураккабдир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда оиладаги муносабатларнинг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, ота, она ва фарзандлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кўмакка муҳтож оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ибратли оилаларни рағбатлантириш, оилада учраши мумкин бўлган зўравонликларга барҳам бериш, гендер тенгликни таъминлаш борасида ҳуқуқий, ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг бўйсунуви Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигидан Вазирлар Маҳкамасига ўтказилди. Эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлаш, хотин-қизлар ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, оила аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оила институтини мустаҳкамлаш кабилар қўмита фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгиланди. Шунингдек, қўмита таркибида Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.

Албатта, оиланинг мустаҳкамлиги, фарзандларнинг тўғри тарбия олиши кўп жиҳатдан оила бекаларининг маърифатли бўлишига боғлиқ. Рақамларга юзлансак, мамлакатимизда 2022-2023 йилларда хотин-қизларнинг 100 минг нафардан ортиғи имтиёзли асосларда олийгоҳларга қабул қилинган бўлса, ҳозирда 14 минг нафардан зиёд аёллар магистратурада бепул таълим олмоқда. Бу эса давлатимиз томонидан «Оила маърифатли бўлса, жамият маърифатли бўлади» тамойилига катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Статистик маълумотларга кўра, ҳозирда мамлакатимизда 9 миллиондан ортиқ оила бор ва ҳар йили ўртача 250 – 300 минг янги оила қурилмоқда. Шу билан бирга, оилаларда ажралишлар ҳам қайд этилаётгани, бу кўрсаткич 2024 йилнинг январь – март ойларида 11,5 мингтани ташкил этгани нафақат давлат, балки жамият миқёсидаги муаммодир. Дарз кетган 11,5 минг оила кўрғонининг 46,2 фоизи фарзандсиз бўлган, 29,6 фоизида 1 нафар фарзанд билан, 24,2 фоизида 2 ва ундан ортиқ фарзанд билан ажралиш кузатилган.

Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар жамиятда жуда кенг тарқалган муносабатлардир. Оилавий муносабатлар муайян ҳолларда ахлоқ-одоб қоидалари билан тартибга солинади. Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар никоҳ ва оила доирасидаги аниқ ижтимоий муносабатларни оила

қонунчилиги нуқтаи назаридан татбиқ этишдир. Оилавий-хуқуқий муносабатлар давомли хуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Бу хусусият хуқуқий муносабатнинг мақсадлари билан белгиланади. Никоҳ тузишдан мақсад оила қуриш бўлиб, у эрхотиннинг бутун умри давомида бирга яшашига мўлжалланади. Отаоналик хуқуқий муносабати болаларнинг тарбияси ва таъминотига қаратилади. Фарзандликка олиш, васийлик, ҳомийлик ва бошқа хуқуқий муносабатлар кўп хусусиятлари билан бир-бирига ўхшаб кетади. Бундай хуқуқий муносабатларда қўйилган мақсадларга узоқ муддат давомида эришиш мумкин. Оилавий-хуқуқий муносабатлар муддатсиз бўлади. Эр-хотиннинг хуқуқ ва мажбуриятлари, никоҳдан ажралиш ҳолатини ҳисобга олмаганда, бир умр давом этади. Айни пайтда шундай оилавийхуқуқий муносабатлар ҳам мавжудки, улар маълум муддат билан чекланади, бироқ белгиланган давргача албатта давом этади. Масалан, ота-оналарнинг ўз болаларини тарбиялаш мажбуриятлари фарзанд 18 ёшга тўлганига қадар давом этади. Қонунчилик оилавий-хуқуқий муносабатларни хуқуқий муносабатларнинг махсус тури деб ҳисоблайди.

Бу фикрни исботлаш учун никоҳ-оила қонунчилигини янги давлат вужудга келиш билан мустақил равишда ривожланиб келганлигини келтириш мумкин. Амадаги қонунчилик оилавий-хуқуқий муносабатларни хуқуқий муносабатларни махсус алоҳида тури деб ҳисоблаб уни фуқароликхуқуқий муносабатларидан фарқ қилишлигини кўрсатади. Бу фикрни исботи сифатида мамлакатимизда никоҳ-оила қонунчилиги совет давлатини вужудга келган кунларидан бошлаб уни мустақил равишда ривожланганлигини келтириш мумкин. Иқтисодий бозор муносабатларида бўлган давлатларда оилавий-хуқуқий муносабатлар махсус никоҳ-оила қонунлари билан тартибга солинмасдан балки фуқаролик қонунлари билан тартибга солинган. Бозор муносабатлари мавжуд бўлган жамиятда оилавий муносабатлар мулкӣ муносабатлар доирасига киритиб фуқаролик хуқуқи билан тартибга солинган. Бунинг асосий сабаби мулкӣ манфаатларни шахсий манфаатлардан устун туришлигидир. Оилавий-хуқуқий муносабатлар ўзининг баъзи бир белгилари билан фуқаролик-хуқуқий муносабатларига ўхшаб кетади. Бироқ бу ўхшашлик фақат ташқи кўринишдадир. Мазмунан оилавий ва фуқаролик-хуқуқий муносабатлар ўртасида муҳим сифат фарқлари бор. Фуқаролик-хуқуқий муносабатларни асосини мулкӣ муносабатлар ташкил этса, оилавий-хуқуқий муносабатларнинг асосини эса аксинча мулкӣ бўлмаган номулкӣ шахсий муносабатлар ташкил этади.

Шунга мувофиқ фуқаролик хуқуқини ҳамма нормалари, барча институтлари ўзини белгиланган мақсади аввало мулкӣ муносабатларни тартибга солишга қаратилинган бўлса оила хуқуқи эса биринчи навбатда шахсий муносабатларни тартибга солишга қаратилинган. Фуқаролик хуқуқида мулкӣ муносабатлар асосан муайян эквивалент баробарида белгиланадиган қиймат, баҳо билан ифодаланадиган характерга эга. Бу белгилар оилавий хуқуқий муносабатларга тааллуқли эмас. Оила ва фуқаролик-хуқуқий муносабатлар ўртасидаги фарқлар хусусий характерга эга эмас. Улар бу муносабатларни ўз табиати билан белгилаб ижтимоий ҳаёт моддий шароитлардан келиб чиқади.

Албатта, оилалар мустаҳкамлигига таъсир этувчи омиллар ва сабаблар турли-туман. Аммо уларнинг негизида никоҳланувчи ёшларнинг оила ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлишлари, унинг муқаддаслигини англашлари, ота ва она деган юксак мақомнинг масъулиятини ҳис

этишлари мужассам. Шундагина оилаларимиз фаровон, фарзандларимиз бахтли бўлади. Жамиятимиз манфаат, давлатимиз равнақ топади³.

Хулоса қилиб айтганда, оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш қонунчилиқни мунтазам равишда янгилаб бориш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш билан узвий боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида оила институтини мустаҳкамлаш, жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва соғлом авлод тарбиясига хизмат қилади. Оила институтининг мустаҳкамлиги давлат ва жамиятнинг ижтимоий-ҳуқуқий барқарорлигини таъминлайди, шу боис оилавий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик тизимини такомиллаштириш доимий аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оиланинг жамиятнинг асосий бўғини сифатида эътироф этилиши мазкур соҳадаги ислохотларнинг ҳуқуқий асосини белгилаб беради. Оила кодекси нормалари оилавий муносабатларни тартибга солишда асосий манба сифатида хизмат қилади, бироқ жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ушбу қонунчиликни замон талабларига мос равишда такомиллаштиришни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.** — Тошкент: Ўзбекистон, 2023 (амалдаги таҳрир).
2. **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси.** — Тошкент, 1998 (амалдаги таҳрир).
3. Мирзиёев Ш.М. **Оила институтини мустаҳкамлаш ва аёллар ҳамда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — давлат сиёсатининг устувор йўналиши.** — Тошкент, 2021.
4. Каримов И.А. **Юксак маънавият — енгилмас куч.** — Тошкент: Маънавият, 2008.
5. Саидов А.Х. **Инсон ҳуқуқлари ва оила институти.** — Тошкент: Инсон ҳуқуқлари миллий маркази, 2019.
6. Абдуллаев А., Раҳмонов Қ. **Оила ҳуқуқи.** Дарслик. — Тошкент: Юридик адабиётлар нашриёти, 2020.
7. Норбўтаев Б. **Фуқаролик ва оила ҳуқуқининг долзарб масалалари.** — Тошкент: Адолат, 2018.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хотин-қизлар ва оила масалалари бўйича давлат комиссияси материаллари. — Тошкент, 2020–2024 йй.
9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги расмий ахборотлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари. — Тошкент.
10. «Ҳуқуқ ва бурч» журнали. **Оила ҳуқуқига оид илмий мақолалар тўплами.** — Тошкент, 2018–2024 йй.

Диссертация тадқиқоти доирасидаги социологик сўров анкетаси

Ҳурматли сўров иштирокчилари!

Ўзбекистон Республикаси янгиланган Конституцияси асосида оила ва никоҳ муносабатларининг конституциявий-ҳуқуқий асосларига оид масалалар юзасидан диссертация тадқиқотини олиб бормоқдамиз.

³ Қодиров А. Оила ҳуқуқининг назарий асослари. – Тошкент, 2020. 17.

Таклиф этилаётган сўровномада оилавий ва никоҳ муносабатларини тартибга солишнинг конституциявий ва ҳуқуқий асослари билан боғлиқ саволлар берилган. Саволларни диққат билан ўқиб чиқишингизни ва уларга аноним жавоб беришингизни сўраймиз.

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг эркаклар ва аёлларнинг турмуш қуриш ва оила қуриш ҳуқуқини ҳеч қандай чекловларсиз мустақкамлаб қўйган қоидалари, шунингдек, давлатларнинг оилани ҳимоя қилиш мажбуриятларидан хабардормисиз?

а) ҳа, биламан, лекин умумий тарзда;

б) ҳа, мен ҳужжатнинг тегишли қоидаларини биламан;

в) Йўқ, билмайман.

2. Эр-хотиннинг Оила кодексига белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларидан хабардормисиз?

а) ҳа, мен биламан, лекин умумий маънода;

б) ҳа, мен қонуннинг тегишли қоидаларини ва/ёки ҳуқуқни қўллаш амалиётини биламан;

в) йўқ, мен билмайман.

3. Ўзбекистон Конституциясига кўра, никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига асосланади, демак, никоҳ тузувчиларнинг (эркак ва аёлнинг) эркин розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги талабига эътибор бермасликка йўл қўясизми?

а) ҳа, йўл қўйиш мумкин деб ўйлайман;

б) йўқ, бу қабул қилиниши мумкин эмас;

в) Жавоб беришга қийналаман.

4. Фуқароларнинг никоҳ шартномасини тузиш имконияти тўғрисида яхшироқ хабардор бўлишини таъминлаш зарурлигига қўшилмасизми?

а) ҳа, албатта;

б) йўқ, бу бизнинг менталитетимизга мос эмас;

в) Жавоб беришга қийналаман.

5. Сизнингча, қонунларимизда эр-хотиннинг ҳуқуқ ва манфаатлари тенг ҳимояланганми?

а) уларнинг ҳуқуқлари тенг ҳимояланган;

б) никоҳда аёлларнинг ҳуқуқлари етарли даражада ҳимояланмаган;

в) никоҳда эркакларнинг ҳуқуқлари етарли даражада ҳимояланмаган;

г) Жавоб беришга қийналаман.

6. Сизнингча, ажралиш жараёнида қандай ҳуқуқий муаммолар борлигини кўрсатинг.

а) ажралиш жараёнининг ҳаддан ташқари тартибга солиниши ва бюрократияси;

б) ажралиш жараёнини сунъий равишда кечиктириш имконияти;

в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан эр-хотиннинг шахсий ҳаётига йўл қўйиб бўлмайдиган аралашув;

г) Жавоб беришга қийналаман.

7. Нима деб ўйлайсиз, Конституцияда никоҳ эркак ва аёл ўртасидаги иттифоқдир, деган нормани мустақкамлаб қўйиш зарурми?

а) ҳа, бу жиддий масала;

б) йўқ, бу аҳамиятсиз;

в) Жавоб беришга қийналаман.

8. Ота-оналар меҳнатга лаёқатли болалардан алимент тўловларини ундириш тўғрисида даъво аризаси билан чиқиш ҳуқуқига эга эканлигини биласизми?

а) ҳа;

б) йўқ, қонунчиликдан яхши хабардор эмасман;

в) Жавоб беришга қийналаман.

9. Оила аъзоларининг ҳуқуқларини кенгайтириш имкониятлари ва уларнинг кафолатлари ҳақида ўз фикрингизни билдириш?

а) оила аъзоларининг ҳуқуқларини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир;

б) оила аъзоларининг қонунларда мустақамланган ҳуқуқларини аниқлаштириш мақсадга мувофиқ;

в) оила аъзоларининг ҳуқуқларини кенгайтириш шарт эмас.

10. Оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш зарурлигига кўшилмасизми?

а) ҳа;

б) йўқ;

в) Жавоб беришга қийналаман.

11. Сизнингча, оила-турмуш шароитида аёлларга нисбатан зўравонлик ва тазйиқнинг олдини олиш бўйича қандай чоралар кўриш керак?

Охирги 5 йил давомида қабул қилинаётган нормалар бу соҳада жиддий ўзгаришлар бўлаётганлигидан далолатдир. Лекин оилада аёлларни ўта кучли ҳимояланиш оқибатида, миллатимиз ва халқимизга одатларини тарқ этиш ҳолатига, ўта кучли ҳимоя остида бўлган аёллар ажрашишлар купайишига олиб келади. Карьера мақсадида ҳаракат қилаётган аёллар ғарбий таъсир остида қолиб, оилавий ва миллий қадриятлар ўрнига пул топиш, self made аёллар тоифаси намоендалари кўпайи каби қадриятларга ўрин бериши таби, бу эса ўз навбатида демографик кризисларга олиб келиши тайин. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Франция, Германия, Буюк Британия, Россия, (хатто ўзини Европага таълуқли деб ҳисоблаётган) Козоғистон, Япония ва Жанубий Корея (қисман Хитой) келтириш мумкин. Шунинг учун аёлларни ўз ўринини эгаллашлари учун эволюцион (таби) йўлидан юрилган маъқул, чунки “оғир даврлар кучли эркакларни сахнага олиб чиқади, кучли эркаклар эса муносиб аёлларни даврига олиб келади” деб бежиз айтилмаган. Матриархат таби шаклда ҳаётимизда мавжуд, уни янада илохийлаштиришга ҳожат йўқ, чунки эркак ва аёллар ўрни жамиятда беқиёсдир, бир бири билан чамбарчас боғлиқ, бир бирисиз уни тасаввур қилиш қийин. Ўта либераллаштириш эса (эркинлаштириш) эса турли оғишларга олиб келиши аниқ (Европа мисосида: лесбиян, гейлар, трансвиститлар ва х.к) Барча динларда аниқ келиши каби икки жинс мавжуд: эркак ва аёл, иккаласини ҳам ўзини вазифаси бор, нима учун яратилган бўлса ўша вазифани бажариши лозим.

Аёлларга нисбатан зўравонлик ва тазйиқнинг олдини олиш учун аёл кишини ролини ошириш эмас, балки барчага болалик чоғидан аёл кишини ҳурмат қилишни тарғиб қилиш керак, бунда фаол мавжуд қадриятлардан: Қўрғони карим, Саҳих ҳадислар, суннатлардан кенг фойдаланиш лозим, халқимиз 70 йиллик советизациясидан сўнг ҳам осонлик билан дин орқали тушунтиришни қабул қилмоқда, чунки қонда бор, ота бобомиздан ўтган, шунда уни жаозлаш билан зўравонликни ва тазйиқни олдини олиш эмас, балки умуман таъзийқ ўтказиш хоҳишидан қайтиш ҳолатлари орқали эришилади. Яъни касалик профилактикаси, уни

даволашдан орзонроқ ва осонроқ кечади. (Хаетхон бу ҳақда соатлаб айтиб беришим гаплашишим мумкин))))

Сўровномада иштирок этганингиз учун ташаккур!